

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН Ҳ У К М

2021 йил октябрь ойининг 29 куни, жиноят ишлари бўйича Сирдарё туман судининг очиқ суд мажлиси, ўз биносида бўлиб, раислик қилувчи И.Ёриев, судья ёрдамчиси К.Абдурахмановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Сирдарё туман прокурорининг ёрдамчиси З.Усмонов, судланувчи Д ва жабрланувчи Ннинг иштирокида, судланувчи Дга нисбатан 1-1208-2101/205-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра,

**Д (Д)** -1983 йил 17 февраль куни Сирдарё тумани, Бахт шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам жиноят ишлари бўйича Сирдарё туман судининг 2014 йил 25 мартдаги ажримига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан юритилган жиноят иши ярашганлиги муносабати билан тугатилган, вақтинча ишсиз, [REDACTED], шу туман судининг 2021 йил 25 октябрдаги ажримига кўра, қўлланилган “муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси, “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасига ўзгартирилган, айблов далолатномаси нусхасини 2021 йил 30 сентябрь куни олган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (кейинги ўринда ЖК)нинг 122-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб атрофлича текшириб тафтиш қилиб, тарафларнинг музокара сўзини ҳамда судланувчининг охириги сўзини тинглаб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### **А Н И Қ Л А Д И:**

**Д**-фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судининг 2018 йил 24 апрелдаги суд буйруғига асосан ундирувчи Сабитова Нафиса Ринатовна фойдасига 17.02.2017 йилда туғилган вояга етмаган фарзанди Тохиров Абдулазиз Дилмурод ўғлининг таъминоти учун 20.04.2018 йилдан бошлаб, бола вояга етгунга қадар ҳар ой жами даромадининг ¼ қисми миқдорида алимент ундириш белгиланган бўлса-да, ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмасдан, ҳеч қаерда ишламасдан, шунингдек давлат ижрочилари томонидан бир неча марта расман огоҳлантирилган бўлишига қарамасдан, 01.04.2020 йилдан 01.02.2021 йилга қадар, яъни 10 ойдан ортиқ муддат мобайнида 7.381.079 сўмлик алимент пулларини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келганлиги учун жиноят ишлари бўйича Сирдарё туман судининг 09.02.2021 йилдаги қарорига кўра, Ўзбекистон Республикаси МЖТКнинг 47<sup>4</sup>-моддаси билан 10 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланган бўлишига қармасдан,



01.02.2021 йилдан 01.09.2021 йилга қадар, яъни 7 ойдан ортиқ муддат мобайнида 5.180.700 сўмлик алимент пулларини тўлашдан қасддан бўйин товлаб келган.

Мажбурий ижро бюроси Сирдарё тумани бўлими давлат ижрочисининг 08.09.2021 йилдаги “алимент қарзини ҳисоблаш тўғрисида”ги қарорига кўра, Днинг алиментдан бўлган қарзи жами 17 ой давомида 12.561.779 сўмни ташкил қилади.

Шундай қилиб, Д ўзининг жиноий ҳаракатлари билан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни қасддан содир қилган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган Д унга эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлик билдириб, дастлабки тергов давомида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, ҳақиқатдан ҳам 2015 йилда Н билан шаърий никоҳдан ўтиб, 2017 йил май ойига қадар эр-хотин бўлиб яшаганлигини, Н билан ўзаро оилавий келишмовчиликлар сабабли бирга яшамай қўйишганлигини, 2018 йил апрель ойида турмуш ўртоғи Н фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судига ариза билан мурожаат қилиб, суд буйруғига кўра, ундан турмуш ўртоғи Н фойдасига 17.02.2017 йилда туғилган вояга етмаган фарзанди Тохиров Абдулазиз Дилмурод ўғли таъминоти учун 20.04.2018 йилдан бошлаб, бола вояга етгунга қадар ҳар ой жами даромадининг  $\frac{1}{4}$  қисми миқдоридан алимент ундириш белгиланганлигини, у ҳеч қаерда ишламаганлиги сабабли алимент пулларини тўлай олмаганлигини, шу сабабли 01.04.2020 йилдан 01.02.2021 йилга қадар 7.381.079 сўмлик алиментни тўламаганлиги учун жиноят ишлари бўйича Сирдарё туман судининг 2021 йил 09 февралдаги қарорига асосан 10 сутка маъмурий қamoқ жазоси тайинланганлигини, шу билан яна ҳеч қаерда ишламаганлиги учун алимент пулларини тўлай олмаганлиги сабабли 01.02.2021 йилдан 01.09.2021 йилга қадар 5.180.700 сўмлик алиментдан қарз бўлиб қолганлигини, бугунги кунда ҳеч қаерда ишламаслигини ҳамда биринчи турмуш ўртоғи Н.Умбетовага 1 нафар вояга етмаган фарзанди учун ҳам алимент тўлаб келишлигини, давлат ижрочисининг қарорига асосан, алимент қарздорлиги 01.04.2020 йилдан 01.02.2021 йилга қадар 7.381.079 сўм, 01.02.2021 йилдан 01.09.2021 йилга қадар 5.180.700 сўм жами 17 ой давомида 12.561.779 сўмни ташкил қилишлигини, давлат ижрочилари томонидан бир неча мартаба оғзаки ва расмий равишда алимент пулларини тўлаб бериши лозимлиги, агар белгиланган ихтиёрий муддатда тўламаса маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилганлигини, бугунги кунда қилмиш ҳаракатига чин кўнгилдан пушаймонлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини, алимент пулларини тўлаб беришга имконияти йўқлигини, ўзига тегишли хулоса чиқариб олганлигини билдириб, суддан қонуний енгиллик беришни сўраб, кўрсатув берди.

Гарчанд, судланувчи Д унга нисбатан эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлик билдириб кўрсатувлар бериб ўтса-да, уни мазкур жиноятни содир этганликдаги айби суд мажлисида сўроқ қилинган гувоҳларнинг қуйидаги кўрсатувлари билан тўлиқ ўз тасдиғини топади.



Жумладан, суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган [REDACTED] дастлабки тергов давомида берган кўрсатувларини тасдиқлаб, ҳақиқатдан ҳам у 2015 йил ноябрь ойида Д билан шайри никоҳдан ўтиб, 2017 йил май ойига қадар эр-хотин бўлиб яшаганлигини, турмушлари давомида 17.02.2017 йилда Тохиров Абдулазиз Дилмурод ўғли исмли фарзандли бўлишганлигини, оилавий келишмовчиликлар оқибатида яшамай қўйишганлигини, 2018 йилнинг апрель ойида фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судига ариза билан мурожаат қилганлигини ва суднинг 24.04.2018 йилдаги суд буйруғи кўра, Ддан унинг фойдасига 17.02.2017 йилда туғилган вояга етмаган фарзанди А.Тохиров таъминоти учун 20.04.2018 йилдан бошлаб, вояга етгунга қадар ҳар ой жами даромадининг  $\frac{1}{4}$  қисми миқдорида алимент ундириш белгиланганлигини, турмуш ўртоғи Д алимент пулларини 01.04.2020 йилдан 01.02.2021 йилга қадар 7.381.079 сўмлик тўламаганлиги учун жиноят ишлари бўйича Сирдарё туман судининг 2021 йил 09 февралдаги қарорига асосан 10 сутка маъмурий қамоқ жазоси тайинланганлигини, шундан сўнг алимент пулларини яна тўламасдан келаётганлигини, 01.02.2021 йилдан 01.09.2021 йилга қадар 5.180.700 сўмлик алиментдан қарздорлиги мавжудлигини, давлат ижрочисининг қарорига асосан, турмуш ўртоғи Днинг алиментдан бўлган қарздорлиги 01.04.2020 йилдан 01.02.2021 йилга қадар 7.381.079 сўм, 01.02.2021 йилдан 01.09.2021 йилга қадар 5.180.700 сўм жами 17 ой давомида 12.561.779 сўмни ташкил қилишлигини, бугунги кунда алимент пуллари турмуш ўртоғи Д томонидан қоплаб берилмаганлиги сабабли унга нисбатан даъвоси борлигини билдириб, суддан жами 12.561.779 сўм алимент пулларини ундириб беришни сўраб, кўрсатув берди.

Суд, ушбу жиноят иши юзасидан тўпланган иш ҳужжатларини текшириб чиқиб, юқорида қайд этилган судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларига Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 95,112-моддалари талаблари бўйича баҳо бериб, суд мажлисида аниқланган ҳолатларни ҳамда тергов материалларини Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 22-моддаси талаблари асосида синчковлик билан, тўла, ҳар томонлама ва холисона текшириб чиқиб, судланувчи Днинг мазкур жиноятни содир этганликдаги айби қуйидаги рад этиб бўлмайдиган далиллар билан, жабрланувчининг суд мажлисидаги кўрсатуви билан, шунингдек жиноят иши ҳужжатларидаги давлат ижрочисининг 08.09.2021 йилдаги алимент қарзини ҳисоблаш тўғрисида қарори (и.в. 6), давлат ижрочисининг 08.09.2021 йилдаги Д томонидан 2021 йил февраль ойдан 2021 йил 1 сентябрь кунига қадар алиментдан бўлган қарзи юзасидан тузилган маълумотнома (и.в. 7), давлат ижрочисининг 08.09.2021 йилдаги Д томонидан 2020 йил апрель ойдан 2021 йил 1 февраль кунига қадар алиментдан бўлган қарзи юзасидан тузилган маълумотнома (и.в. 8), фуқаролик ишлари бўйича Гулистон туманлараро судининг 25.04.2018 йилдаги суд буйруғи нусхаси (и.в.9), жиноят ишлари бўйича Сирдарё



туман судининг 2021 йил 09 февралдаги маъмурий қарори нусхаси (и.в. 11), тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда жиноят ишидаги бошқа объектив далиллар билан тўлиқ ўз тасдиғини топади.

Суд, судланувчи Днинг жиноий ҳаракатларини юридик квалификациясини муҳокама қилиб, унинг жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122-моддаси 1-қисми, “Моддий ёрдамга муҳтож бўлган вояга етмаган ёки меҳнатга лаёқатсиз шахсни моддий таъминлашдан бўйин товлаш, яъни уни моддий жиҳатдан таъминлаш учун суднинг ҳал қилув қарорига ёки суд буйруғига биноан ундирилиши лозим бўлган маблағни жами бўлиб икки ойдан ортиқ муддат мобайнида тўламаслик”да ифодаланган жиноят аломатлари билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қарорининг 1-бандида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги принципларига қатъий амал қилишга қаратилиши лозимлиги”, ушбу Қарорнинг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги” ҳақида тушунтириш берилган.

Суд, судланувчи Дга нисбатан жазо тайинлашда, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7,8-моддаларидаги инсонпарварлик ва одиллик принциплари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли ва 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарори тушунтиришларига риоя қилган ҳолда, судланувчи Днинг айбига тўлиқ иқрор ва пушаймонлигини, оилавий аҳволини, муқаддам судланмаганлигини ЖКнинг 55-моддасига асосан жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, жиноятни ғараз ва паст ниятларда содир қилганлигини ЖКнинг 56-моддасига асосан жазосини оғирлаштирувчи ҳолат деб топиб, содир этилган қилмишнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилигини, жабрланувчининг унга нисбатан даъвоси борлигини, алимент пуллари қопланмаганлигини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122-моддаси 1-қисми билан қонун санкциясида назарда тутилган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашни, унга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чорасини аслича қолдиришни лозим деб топади.

Шунингдек суд, иш бўйича етказилган зарарни муҳокама қилиб, судланувчи Днинг алиментдан қарзи 12.561.779 сўмни ташкил қилишлиги, бугунги кунда ушбу алимент пуллари қопланмаганлигини инобатга олиб, судланувчи Ддан жабрланувчи Н фойдасига 12.561.779 (ўн икки миллион беш юз олти миш бир минг етти юз етмиш тўққиз) сўм алимент пулини ундиришни, шунингдек Ўзбекистон Республикаси



ЖПКнинг 52-моддаси биринчи қисми талабидан келиб чиқиб судланувчи ҳимоячи хизматидан воз кечганлиги ҳолати видеотасвирга туширилган 1 дона DVD дискни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Юқоридагиларга кўра ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463, 465-468, 471-473 моддаларига риоя қилган ҳолда, суд

### **Ҳ У К М Қ И Л А Д И:**

**Д (Д)** Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 122-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Дга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 122-моддаси 1-қисми билан 6 (олти) ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Тайинланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси манзил колонияларда ўташ белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2021 йил 25 октябрдан бошлаб ҳисоблансин.

Дга нисбатан қўлланилган “қамоққа олиш” тарзидаги эҳтиёт чораси аслича қолдирилсин.

Ддан жабрланувчи Н фойдасига 12.561.779 (ўн икки миллион беш юз олтмиш бир минг етти юз етмиш тўққиз) сўм алимент пули ундирилсин.

Ашёвий далил - 1 (бир) дона DVD диск жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, шу суд орқали маҳкум ва жабрланувчи ҳукмнинг кўчирма нусхасини олган кундан бошлаб, шу муддат ичида Сирдарё вилоят судининг апелляция инстанциясига шикоят бериш ёки протест билдиришга ҳақлидирлар.

**Жиноят ишлари бўйича  
Сирдарё туман судининг раиси:**

**И.Ёриев**

